

## Фикр дурдоналари (33-қисм)



19:44 / 30.04.2017 4462

**166.** Бир донишманддан: "Бахилликдан ҳам қабиҳроқ нарса борми?" деб сўралди. Шунда у: "Ҳа, бор. Сахий одам ўзи эҳсон қилган кишисига қилган эҳсонини гапириши (миннат қилиши)дир" деб жавоб берди.

**167.** Али ибн Абу Толиб розияллоҳу анҳу: "Бахил кимса дунёда фақирлардек яшайди ва охирадда бойларнинг ҳисобидек ҳисоб қилинади" дедилар.

**168.** Ёнимда турган аёлнинг қалбини, истакларини, характерини тушуниш мендан икки миллиард ёруғлик йили узоқликдаги галактикани ўрганишдан қийинроққа ўхшайди.

**169.** Аёл бамисоли жумбоқ, топишмоқ, қулф. Бу жумбоқнинг ечими, бу топишмоқнинг жавоби, бу қулфнинг калити – муҳаббат.

**170.** Ҳазабланиб турган аёл билан тортишма, вақтингни зое қиласан. Розиб бўлиб турган аёл билан тортишма, унинг вақтини зое қиласан.

*Қуйидаги маълумотлар фейсбукдаги "Роваиъул фикр" (Фикр дурдоналари), "Ховатир роқия" (Салмоқли фикрлар) каби саҳифалардан олинган.*

**Нозимжон Ҳошимжон таржимаси**